

Мусобақа лаззати

Турли йўсиндаги мусобақалар инсоннинг ақлий ва жисмоний баркамоллигига хизмат қилиши муқаррар. 2019 йил 13 апрель куни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида Олий таълим муассасалари педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари профессор-ўқитувчилари ва ходимлари ўртасида оммавий спортнинг Мини-футбол, Волейбол, Стол тенниси, Армрестлинг, Арқон тортиш турлари бўйича спорт мусобақаси ўтказилди.

Мазкур мусобақада Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги Марказ профессор-ўқитувчилари ва ходимлари жамоаси спортнинг мини-футбол, армрестлинг, стол тенниси мусобақасида қатнашиб, армрестлинг спорти бўйича 1-ўринни эгаллашди. Мазкур мусобақалар марказлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ўзаро алоқани мустаҳкамлаб, улар орасида соғлом муҳит яратишда муҳим рол ўйнайди.



ПКҚТ ва УМО тармоқ маркази бўлим бошлиғи Жавлонбек Қутлимуротов ахбороти

Институт Матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов